ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВ МЕРОНШОХ РАҲИМЖОН ЎҒЛИ

БАНК СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2026

УЎК: 343.35: 336.71(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Расулов Мероншох Раҳимжон ўғли
Банк соҳасида коррупцияни олдини олишда комплаенс хизматини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари……..... 3

Расулов Мероншох Раҳимжон ўғли
Организационно-правовые вопросы внедрения комплаенс-службы по предупреждению коррупции в банковской сфере…..... 25

Rasulov Meronshokh Rakhimjon ugli
Organisational and legal issues of implementing a compliance service to prevent corruption in the banking sector……..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 54

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВ МЕРОНШОХ РАҲИМЖОН ЎҒЛИ

БАНК СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Yu659 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси веб-сайти (www.proacademy.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тухташева Умида Абдиловна** юридик фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**.....** **.....**
Етакчи ташкилот:	**.....**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза килиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли илмий Кенгашнинг 2026 йил __ __ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистан Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза килиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил __ __да тарқатилди.

(2026 йил __ __даги __ - рақамли реестр баённомаси).

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И. Шайзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ғ.М. Шодиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда банк соҳасида коррупцияни олдини олишда комплаенс-назорат институтининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Халқаро ташкилотларнинг баҳоларида порахўрлик ҳолатлари жаҳон иқтисодиётига йилига 1,2–1,5 триллион АҚШ доллари, яъни глобал ЯИМнинг қарийб 2 фоизи миқдорида зарар етказиши қайд этилган[1]. 2025 йил декабрь ойида Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси иштирокчи давлатлари конференциясининг 11-сессиясида (унда 170 давлатдан 2 500 дан ортиқ делегат иштирок этган) БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш коррупция низоларни кучайтириши, тенгсизликни мустаҳкамлаши ҳамда дунёни тараққиёт учун зарур ресурслардан маҳрум этишини таъкидлаб, барча давлатларни ушбу иллатга қарши муросасиз кураш олиб боришга чақирган. Сессия якунида қабул қилинган 2025 йилги Доҳа декларациясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда сунъий интеллект тизимлари имкониятларидан фойдаланиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кучайтириш устувор йўналишлар этиб белгиланган[2]. Шунингдек, 2027 йилда мазкур Конференциянинг навбатдаги 12-сессияси Ўзбекистонда ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилингани мавзунинг мамлакатимиз учун долзарблигини янада оширади[3]. Буларнинг барчаси, халқаро майдонда банклар миллий ҳукуматлар иқтисодининг асосий қон-томири бўлганлигини инобатга олган ҳолда, соҳада коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизимини тўғри ташкил этиш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Жаҳонда ушбу иллатга қарши курашиш ва уни юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни бажаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, бу ерда банк тизими ҳам истисно эмас. Банк, молия ва кредит соҳаларида коррупцияга қарши курашиш воситалари турлича бўлиши мумкин, аммо ушбу механизмда банкларнинг коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизимлари ва юқори даражадаги аниқликка асосланган банк бошқаруви муҳим роль ўйнайди. Банкларда коррупциявий хавф-хатарлар кредит ажратиш, харидлар, кадрларни танлаш ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш жараёнларида молиявий зарар билан бирга банкка бўлган ишончнинг пасайишига ҳам олиб келади[4]. Шу боис

---

[1] Халқаро савдо палатаси (ICC) ва Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) маълумотлари: Enhancing Integrity at Borders: The Role of Trade Facilitation in the Fight against Corruption, 10.07.2025. URL: https://iccwbo.org/news-publications/report/icc-and-wco-release-trade-facilitation-recommendations-for-enhanced-integrity-at-borders/. (мурожаат вақти: 07.08.2026 йил)

[2] БМТ Янгиликлар маркази. Антикоррупционная конференция ООН: ИИ как инструмент против экономических преступлений (15.12.2025). URL: https://news.un.org/ru/story/2025/12/1467025; Дохинская декларация 2025 года // CAC/COSP/2025/22. URL: https://track.unodc.org/uploads/documents/UNCAC/COSP/session11/CAC-COSP-2025-22/2600800R.pdf (мурожаат вақти: 07.08.2026 йил)

[3] Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2026 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган жамоатчилик эшитуви материаллари (28.07.2026). URL: https://aniq.uz/yangiliklar/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-agentligi-yarim-yillik-faoliyati-sarhisobini-elon-qildi (мурожаат вақти: 07.08.2026 йил)

[4] Basel Committee on Banking Supervision маълумотлари: Corporate Governance Principles for Banks. Bank for International Settlements, 2015. – P. 31. (мурожаат вақти: 07.08.2026 йил)

комплаенс-назоратни коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришга қаратилган мустақил механизм сифатида илмий тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги статистик маълумотлар банк соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар долзарблигича қолаётганини кўрсатади. Хусусан, 2024 йилда тижорат банклари соҳасида коррупцияга оид жиноятлар учун 271 нафар шахс судланган бўлса[1], 2025 йилда ушбу кўрсаткич 245 нафарни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 9,6 фоизга камайган[2]. Шу билан бирга, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2026 йил 1 январдан 13 июлга қадар республика банк тизимида 214 та коррупцияга оид жиноят қайд этилган бўлиб, улар натижасида 110 млрд 392 млн 870 минг сўм миқдорида зарар етказилган[3]. Мазкур кўрсаткичлар банк соҳасида коррупциявий жиноятлар сонида муайян пасайиш кузатилса-да, уларнинг молиявий оқибатлари юқори бўлиб қолаётганини ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган комплаенс-назорат механизмларини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли, 2024 йил 5 июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ЎРҚ-931-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли, 2025 йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли, 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармонлари, шунингдек, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли, 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли қарорлари ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали таъминлашда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқот иши республика фан

[1] Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотлари: Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маъруза – 2024. – 12-б. (мурожаат вақти: 16.08.2026 йил).

[2] 2025 йилдаги коррупцияга оид жиноятлар статистикаси маълумотлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг расмий веб-сайти, 10.08.2026 йил. (мурожаат вақти: 16.08.2026 йил).

[3] Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош маркази ҳисоботлари: тамомланган коррупцияга оид жиноятлар тўғрисида маълумот (01.01.2026 йилдан 13.07.2026 йилга қадар).

ва технологиялар ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқот ишининг айрим компонентлари тадқиқот ишининг предмети жиҳатидан мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уни олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари, молиявий муассасаларда риск-менежмент, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик масалалари, Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимида коррупцияга қарши курашиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари каби мавзулар таркибида Б.И.Исмоилов, Ш.Р.Кабилов, У.М.Алоев, С.С.Маманов, Н.Д.Дониёрходжаева, Г.Эргашева, Т.И.Кенжаев, О.Ю.Исмоилов, М.Я.Мухаммадиевалар томонидан илмий тадқиқ этилган бўлсада, айнан банк соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш масалаларини илмий-назарий, методологик асосларини тадқиқ этишга қаратилган алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган[1].

Шунингдек, МДҲга аъзо давлатларда “комплаенс-назорат” тизими алоҳида ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар мисолида Д.Примаков, Э.Иванов, Л.Ложкина, М.Гранкин, М.Жигас, О.Виполэова, Й.Маркина, Г.Бочаева, Т.Хабриева, А.Федорова, А.Тимошкин, Й.Ткаченко, Н.Эрмакова, М.Шаршоваларнинг илмий тадқиқотларида ушбу тизимнинг умумий хусусиятлари, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга тўхталиб ўтилади[2].

Хорижий давлатлардан R.Klitgard, J.Park, O.Kurer, M.Kling, A.Graycer, D.Painter, J.Marwil, J.Burgdoerfer, M.Jonson, B.Roberts, J.Murphy, T.Tayler, R.Akerman, R.Muller, V.Markham, R.Carlson, E.Moschella, D.Boehme, E.Misha, B.Bannenberg ва бошқалар[3] томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади банк соҳасида коррупциянинг олдини олишда комплаенс-назорат хизмати фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда унинг ташкилий ва норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк соҳасида коррупциявий хавфларнинг шакллари ва иларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, таснифлаш;

---

[1]Олимларнинг илмий тадқиқот ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2]Олимларнинг илмий тадқиқот ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[3]Олимларнинг илмий тадқиқот ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

банк соҳасида коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими тушунчаси, шакллари ва уларнинг коррупцияни олдини олишдаги ўрнини очиб бериш;

банк соҳасида комплаенс-назорат тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

банк соҳасида комплаенс-назорат тизими жорий этишнинг муҳим йўналишларини таҳлил этган ҳолда, ундаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этишга оид илмий-амалий ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга оид хулосаларни ишлаб чиқиш;

банк соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш орқали инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

банк соҳасида комплаенс-назорат бўлинмалари фаолиятини таҳлил этиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асосларни тадқиқ этган ҳолда ундаги мавжуд хато ва камчиликлар ҳамда норматив-ҳуқуқий коллизияларни бартараф этишга оид илмий-амалий ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти банк соҳасида коррупцияни олдини олишда комплаенс-назорат хизмати фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предметини банк соҳасида коррупцияни олдини олишда комплаенс-назорат хизмати фаолиятини тўғри ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (электрон сўровлар), тарихий, тизимли-тузилмавий ёндашув, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-ҳуқуқий, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили ва синтез қилиш, SWOT таҳлил усули, ҳуқуқий моделлаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банк ходимлари томонидан бошқа шахсларнинг номига кредитларни ноқонуний расмийлаштириш ҳолатларини олдини олишга ҳамда охирги бенефециарга оид маълумотларни олиш зарурияти асослантирилган;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг табиати унинг латентлиги билан боғлиқлигини ҳамда мижоз ва банк ходимининг банк хизматлари юзасидан ўзаро муносабатларида коррупцияга қарши курашиш масаласи хулқ-атворга бориб тақалишини инобатга олган ҳолда, соҳа раҳбар ходимларини менежерлик ўқув курсларидан ўтказиш, банк ходимлари учун ташкил

этиладиган малака ошириш ўқув курсларини такомиллаштириш зарурати илмий исботланган;

халқаро ҳуқуқда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишдаги энг муҳим жиҳат – биринчи даражали раҳбарларнинг ходимлар орасида ушбу иллатга қарши шахсий намуна кўрсатишини инобатга олган ҳолда, банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган энг асосий қоидалар сифатида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар, одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш масалалари эканлиги илмий асослаб берилган;

банклар фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Марказий банк томонидан қабул қилинишини инобатга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича коррупцияга қарши экспертиза чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари асослантирилган;

мамлакатимизда очиқлик ва шаффофлик бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Open data inventory (ODIN) ташкилоти талабларидан келиб чиқиб, имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахсларнинг маълумотларини очиқлаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий эксперимент асослари тадқиқ этилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖларида жорий этиш бўйича таклифлар илмий-амалий жиҳатдан асослантирилган;

“Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тўғрисида”ги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2026 йил 28 мартдаги 84-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда ички назорат бўлинмаларининг фаолиятнинг энг муҳим вазифаларини KPI кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш тартибларини қабул қилиш зарурати асослантирилиб, лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “Тижорат банкларида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 — 2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини коррупциядан ҳоли тизимга айлантиришга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонини қабул қилиш зарурати асослантирилиб, лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси халқаро стандарт талаблари асосида қайта ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг “Банк ходимларининг корпоратив ахлоқ стандартларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини қабул қилиш зарурати асосланган ҳамда унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Коррупцияга қарши курашиш” номли дарслик доирасида 2 та бобга муаллифлик қилинган.

“Коррупцияга қарши ички назорат: 100 саволга 100 жавоб” амалий қўлланмасини ишлаб чиқишда иштирок этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилилик нормаларига, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳамда 6 437 нафар респондент иштирокида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги (танланма таркибида давлат хизматчилари, тадбиркорлик ва бошқа фаолият вакиллари, банк-молия соҳаси вакиллари, ўқувчи ва талабалар иштирок этган бўлиб, банк-молия соҳаси вакилларининг улуши 8,3 фоизни ташкил этганлиги) билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида 2025 йилнинг март-август ойларида Парламент, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан 14 та ҳудуднинг жами 97 та туман-шаҳарларида ўтказилган текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 70 га яқин ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган илмий хулосалар ҳамда таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси банк соҳасида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини тўғри ташкил этишда, шунингдек, Банк-молия академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Ички ишлар академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасаларида “Банк ва молия ҳуқуқи”, “Коррупцияга қарши

комплаенс-назорат тизими”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” фанларидан маъруза, амалий машғулот ва семинарлар ўтказишда, ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

банк ходимлари томонидан бошқа шахсларнинг номига кредитларни ноқонуний расмийлаштириш ҳолатларини олдини олишга ҳамда охирги бенефециарга оид маълумотларни олиш юзасидаги таклифлардан коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг 18-бандини “Банкларда жисмоний шахсларга кредит ажратишда мижозни идентификация қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш” ҳамда 22-бандини “Охирги бенефициарга оид маълумотларни олиш тартибини такомиллаштириш” ишлаб чиқишда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 6 мартда 01-10/01-10-сонли далолатномаси).* Ушбу таклифнинг қабул қилиниши банк ходимлари томонидан бошқа шахсларнинг номига кредитларни ноқонуний расмийлаштириш ҳолатларини олдини олишга ҳамда охирги бенефециарга оид маълумотларни олиш тартибларининг ҳозирги замон шарт-шароитларидан келиб чиқиб такомиллаштирилишига хизмат қилади;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг табиати унинг латентлиги билан боғлиқлигини ҳамда мижоз ва банк ходимининг банк хизматлари юзасидан ўзаро муносабатларида коррупцияга қарши курашиш масаласи хулқ-атворга бориб тақалишини инобатга олган ҳолда, соҳа раҳбар ходимларини менежерлик ўқув курсларидан ўтказиш, банк ходимлари учун ташкил этиладиган малака ошириш ўқув курсларини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифдан Агентлик билан ҳамкорликда “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖда тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 8-бандини: “Банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида малака ошириш ўқув курсларини такомиллаштириш ва ўтказиш” ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 6 мартда 01-10/01-11-сонли далолатномаси).* Мазкур таклифнинг қабул қилиниши “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ходимларида менежерлик қобилиятини шакллантириш ва коррупцияга қарши муросасиз муносабатда тарбиялашга қаратилган тизимли чоралар доимий тартибда таъминланишига хизмат қилади;

халқаро ҳуқуқда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишдаги энг муҳим жиҳат – биринчи даражали раҳбарларнинг ходимлар орасида ушбу иллатга қарши шахсий намуна кўрсатишини инобатга олган ҳолда, банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган энг асосий қоидалар сифатида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар, одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш масалалари эканлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуннинг 37-моддасини “Банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган: коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни; одоб-ахлоқ қоидаларини; манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади” ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2024 йил 13 мартдаги 7-сонли далолатномаси)*. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда шахсий намуна кўрсатиш амалиётини вужудга келишига хизмат қилади;

банклар фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Марказий банк томонидан қабул қилинишини инобатга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича коррупцияга қарши экспертиза чораларини қўллашбўйича таклифдан Ўзбекистан Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасини: **“**Давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили иш режаларига мувофиқ ижроси ўз зиммасига юклатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда адлия органларига ушбу омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари жамоатчилик эътиборига етказилади” ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2024 йил 7 мартдаги 04/2-09/224-сонли далолатномаси)*. Мазкур таклифнинг қабул қилиниши банкларнинг ҳар йили иш режаларига мувофиқ ўз зиммасига юклатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш асосларини яратишга хизмат қилади;

мамлакатимизда очиқлик ва шаффофлик бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Open data inventory (ODIN) ташкилоти талабларидан келиб чиқиб, имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахсларнинг маълумотларини очиқлаш лозимлиги бўйича таклифдан Марказий банкнинг “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги низоми, 10-моддасини “…имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар

мустасно)” ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2024 йил 26 мартдаги 20-17/112-сонли далолатномаси)*. Мазкур таклифнинг қабул қилиниши коррупция жиноятларини содир этган шахсларнинг банк муассислари, банк акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилар бўлишини олдини олибгина қолмай, банкларнинг халқаро санкцияларда қора рўйхатга кириб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (3 та халқаро ва 2 та республика) илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография 1 та дарслик, 11 та илмий мақола (9 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда, 2 та хорижий нашрларда) 5 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, қўлланилган усуллар, илмий янгилик ва амалий натижалар, натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларнинг назарий тавсифи ва уларнинг олдини олишда комплаенс-назорат тизимининг ўрни”** деб номланган биринчи бобида банк соҳасида коррупциянинг иқтисодий барқарорлик, банк активлари сифати, ликвидлик, кредит портфели ва мижозлар ишончига таъсири комплекс таҳлил қилинган. Коррупция фақат пора ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан чекланмасдан, манфаатлар тўқнашуви, непотизм, маҳаллийчилик, фаворитизм, кронизм, лоббизм, ҳомийлик, яширин алоқадорлик, меритократия тамойилларига риоя қилмаслик, ички маълумотдан шахсий манфаатда фойдаланиш каби кўринишларни ҳам қамраб олиши асосланган.

Тадқиқотда коррупция даражасининг ошиши банкларнинг муаммоли кредитлари кўпайиши, кредит ресурслари қимматлашиши, инвесторлар ишончи пасайиши ва молиявий барқарорликка таҳдид кучайиши билан боғлиқлиги назарий жиҳатдан ёритилиб, соҳадаги коррупциявий ҳолатлар иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказишини 2008 йилги молиявий инқирознинг асл манбаси банклардаги назоратсиз коррупциявий амалиётлар эканлиги хорижий олимлар Ж.Парк, Р.Клитгаард, О.Курер, А.Грайсар, Д.Паинтер, А.Сукиэрман, Б.Абузаед, Р.Муллер ва С.Азимовларнинг қарашлари, Агентлик ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда аксилкоррупция лабораторияси” лойиҳаси доирасида, 504 нафар давлат хизматчилар ўртасида ўтказилган онлайн аноним

ижтимоий сўров натижалари ҳамда ҲМҚО ва суд органларининг статистик маълумотлари асосида исботланган.

Банкларда қарор қабул қилишнинг катта қисми молиявий ресурсларни тақсимлаш, кредит ажратиш, гаровни баҳолаш, харидлар, ишга қабул қилиш ва назорат чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлгани сабабли, коррупциявий хавфни олдиндан аниқлаш профилактиканинг марказий шарти экани кўрсатилган.

Муаллиф банк соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни субъектнинг ҳуқуқий мақоми, ваколати ва молиявий операция хусусиятидан келиб чиқиб икки йирик гуруҳга ажратган.

Биринчи гуруҳ Марказий банк томонидан тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни қамраб олади: назорат ваколатини суиистеъмол қилиш, манфаатлар тўқнашуви асосида қарор қабул қилиш, конфиденциал ахборотни ошкор этиш, фаворитизм, лицензиялаш ва назорат чораларига норасмий таъсир кўрсатиш, бюджет ва ресурсларни тақсимлашда лоббичилик, совға ва меҳмондўстлик орқали қарорга таъсир қилиш.

Иккинчи гуруҳ тижорат банклари фаолиятида учрайдиган хавфларни бирлаштиради: банк активларини ўзлаштириш, кредит ва бошқа операцияларни манфаатдор шахслар фойдасига расмийлаштириш, чакана ва имтиёзли кредитлашда дискрецион қарорлар, муддати ўтган қарзларни ундиришда келишувлар, гаров қийматини сунъий ошириш ёки ҳужжатларни сохталаштириш, касса операциялари, аккредитация ва харидлар, шахсий маълумотларни учинчи шахсларга бериш, совға ва меҳмондўстлик, жиноий даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш, банк ходимларининг тадбиркорлик субъектлари билан яширин алоқадорлиги.

Тижорат банкларидаги хавфлар операция босқичлари бўйича ҳам таҳлил қилинган. Кредитлашда аризани қабул қилиш, скоринг, гаровни баҳолаш, қарор қабул қилиш, маблағни ўтказиш ва кейинги мониторинг босқичларининг ҳар бири алоҳида хавф нуқтаси ҳисобланади. Харидларда техник талабларни муайян иштирокчига мослаштириш, нархларни сунъий ошириш ва аффилирланган контрагентни танлаш, кадрлар соҳасида эса танлов натижасига таъсир қилиш, яқин қариндошларни ишга қабул қилиш ва ротациядан қочиш коррупциявий хавфнинг типик кўринишлари сифатида тавсифланган.

Муаллиф томонидан коррупциявий хавфлар картограммасини тузиш жараёни хавфли функция ва операцияни аниқлаш, эҳтимол ва таъсирни баҳолаш, мавжуд назорат чораларини инвентаризация қилиш, қолдиқ хавфни белгилаш, масъул “риск эгаси”ни тайинлаш ва чора-тадбирларнинг ижросини кузатиш босқичларидан иборат бўлиши таклиф этилган. Бундай усул статистик маълумот, мурожаатлар, ички аудит, ходимлар алмашинуви, мижоз шикоятлари ва шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотларни ягона таҳлилий майдонда бирлаштириш имконини беради.

Мазкур тасниф ҳар бир хавфга бир хил чора қўллаш эмас, балки хавфнинг манбаи, эҳтимоли ва оқибатига мос назорат механизмини танлаш имконини беради. Шу асосда банк хизматлари, ҳудудлар, филиаллар, лавозимлар

ва операциялар кесимида “қизил байроқлар”ни кўрсатувчи коррупциявий хавфлар картограммасини шакллантириш таклиф этилган. Картограмма хавф даражасини мунтазам янгилаш, назорат ресурсларини юқори хавфли жараёнларга йўналтириш ва комплаенс чораларининг натижадорлигини баҳолашга хизмат қилади.

Халқаро стандартлар (ISO 19600:2025, The Basel Committee on Banking Supervision, United Nations Convention against Corruption, Criminal Law Convention on Corruption (ETS No.173), Corruption risk management / Guidance and technical notes (2020–2022 documents) ва илмий қарашлар (S. Josef, S. Kachuri, J. Park, A. Mungiu-Pippidi, D. Masciandaro, R. Moeller, L. Murphy, T. Stanger ва бошқалар)ни умумлаштириш натижасида банк секторида коррупция, банк соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва коррупциявий хавф-хатар тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Банк соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик банк ходими, бошқарув органи аъзоси, мижоз ёки уларга алоқадор шахс томонидан банк хизматлари ва молиявий операциялар жараёнида мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахс манфаатида фойдаланиш, манфаатлар тўқнашувини яшириш, моддий ёки номоддий наф олиш ёхуд тақдим этиш билан боғлиқ, қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида изоҳланган.

Коррупциявий хавф-хатар эса шахснинг хизмат мавқеидан шахсий ёки ўзга шахс манфаатида фойдаланиши натижасида фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган молиявий, ҳуқуқий, операцион ёки репутацион коррупциявий ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликни содир этиш эҳтимоли сифатида таърифланган. Таърифда нафақат қилмиш эҳтимоли, балки унинг оқибати, қарор қабул қилмаслик ва ахборотни яшириш каби ҳаракатсизлик шакллари ҳам ҳисобга олинган.

Биринчи бобда коррупцияга қарши ички назорат тизими банкнинг фойда олиш, активларни ҳимоя қилиш, қонунчиликка риоя этиш ва ҳисоботлар ишончлилигини таъминлаш мақсадларига эришиши учун зарур бўлган тартиблар, қоидалар, жараёнлар ва амалиётларнинг мантиқий мажмуи сифатида асосланган. Комплаенс-назорат хизмати эса коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, хабарларни қонуний тартибда кўриб чиқиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга масъул мустақил профилактик тузилма сифатида тавсифланган.

Комплаенс хизматининг самарадорлиги унинг ташкилий мустақиллиги, кузатув кенгаши ёки биринчи раҳбарга тўғридан-тўғри ҳисобдорлиги, ахборот ва ҳужжатлардан эркин фойдаланиши, етарли кадр ва молиявий ресурсларга эгалиги, текширув натижаларини раҳбарият таъсирисиз расмийлаштира олиши билан белгиланиши кўрсатилган. Хизмат ходими касбий одоб-ахлоқ, манфаатлар тўқнашуви, коррупциявий хавфларни баҳолаш, контрагентларни текшириш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва профилактик таълимни ташкил этиш учун масъул экани асосланган.

Тадқиқотда коррупцияга қарши комплаенс хизматини ташкил этишнинг ихтисослашган, мослашган ва аралаш моделлари фарқланган. Ихтисослашган модел ташқи бозорлар ва халқаро талабларга мувофиқликни таъминлашга, мослашган модел ташкилотнинг ички хавфлари ва миллий қонунчилик талабларига, аралаш модел эса миллий ва халқаро талабларни бир вақтда қамраб олишга йўналтирилади. Ўзбекистон банклари учун давлат улуши, кенг филиаллар тармоғи ва халқаро операциялар ҳажмини ҳисобга оладиган аралаш модел мақбул экани асосланган.

Шунингдек, муаллиф томонидан комплаенс, риск-менежмент ва ички аудит функцияларининг ўзаро муносабати ҳам очиб берилиб, биринчи линия сифатида бизнес-бўлинмалар ўз операцияларидаги хавф учун жавоб бериши, иккинчи линия – риск ва комплаенс бўлинмалари сиёсат, мониторинг ва маслаҳатни таъминлаши, учинчи линия – ички аудит бутун тизимнинг мустақил баҳосини амалга ошириши белгиланган.

Шу билан бирга, ушбу вазифаларнинг бир-бири билан аралашиб кетиши ёки бир раҳбарга ортиқча боғлиқлиги назоратнинг самарадорлигини пасайтириши мумкинлиги билан изоҳланган.

Биринчи бобда банк соҳасидаги коррупциявий хавфларнинг назарий модели, уларни таснифлаш мезонлари, асосий тушунчалар ва комплаенс-назоратнинг банк бошқарувидаги ўрни шакллантирилиб, хавфга асосланган профилактика тизимини жорий этиш учун методологик асос яратилган.

Диссертациянинг **“Банк соҳасида комплаенс-назорат хизматини жорий этиш: халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба”** деб номланган иккинчи бобида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳужжатлари, UNODCнинг бизнес учун амалий қўлланмаси, FATF тавсиялари, Базель қўмитаси принциплари, Вольфсберг гуруҳи стандартлари, ISO 37001 ва комплаенс-менежментга оид бошқа халқаро ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган.

БМТ ва OECD ҳужжатларида юридик шахслар жавобгарлиги, раҳбариятнинг шахсий намунаси, самарали ички назорат, молиявий ҳисобдорлик, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ҳамда коррупциявий даромадларни аниқлаш масалалари устувор экани кўрсатилган. Ушбу талабларни банк амалиётига татбиқ этишда декларатив сиёсат билан чекланмасдан, хавфларни баҳолаш, назорат чораларини ҳужжатлаштириш, натижаларни кузатув кенгашида муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш механизми бўлиши лозимлиги асосланган.

FATF, Базель қўмитаси ва Вольфсберг гуруҳи тавсиялари мижозни лозим даражада текшириш (KYC), охирги бенефициар мулкдорни аниқлаш, сиёсий таъсирга эга шахслар ва юқори хавфли юрисдикциялар билан операцияларга кучайтирилган назорат ўрнатиш, ноодатий ва иқтисодий мазмунга эга бўлмаган операцияларни таҳлил қилиш, банк-корреспондентлар ва контрагентларни комплекс текширишнинг коррупцияни олдини олишдаги аҳамиятини очиб беради.

Шунингдек, мазкур қисмда тадқиқотда коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва жиноий даромадларни легаллаштириш хавфлари ўзаро боғлиқ ҳолда баҳоланиши кераклиги таъкидланган.

ISO стандартлари ва халқаро комплаенс амалиётидан келиб чиқиб, “tone at the top” – раҳбариятнинг шахсий намунаси, коррупцияга нисбатан “zero tolerance”, хавфга асосланган ёндашув, контрагентларни текшириш, совға ва меҳмондўстликни тартибга солиш, хабар бериш каналларининг махфийлиги, таъқибдан ҳимоя қилиш, мунтазам ўқитиш ва ички аудит натижаларини мустақил баҳолаш каби принципларни миллий банк тизимига тизимли имплементация қилиш зарурати асосланган.

АҚШнинг FCPA ва Буюк Британиянинг Bribery Act амалиётида компаниянинг қоғозда мавжуд сиёсати эмас, балки амалда ишлайдиган “adequate procedures”, раҳбарият назорати, текширувларнинг мустақиллиги ва ҳуқуқбузарликка муносиб жавоб чоралари баҳоланиши кўрсатилган. Бу ёндашув банк учун комплаенс дастурининг мавжудлиги эмас, унинг рискларга мослиги, реал ресурслар билан таъминлангани ва қарорларга таъсир кўрсата олиш имконияти асосий мезон эканини англатади.

Хорижий тажрибани ўрганишда Франциянинг Groupe BPCE банкида одоб-ахлоқ кодекси, ходимларнинг коррупцияга мойиллигини баҳолаш ва профилактик чоралар қўллаш амалиёти, Буюк Британияда раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги, менежерлик тайёргарлиги ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, Германияда комплаенс-офицернинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва мустақил ахборот олиш ваколатлари хорижлик олимлардан N.Jensen, E.Malesky, De.Fabrizio, D.Primakov, N.E.Krilova, G.A.Kriger, G.D.Kriger, M.Kilchlinglар билан баҳсга киришган таҳлил қилинган.

Эстониянинг Luminor банки ва “Salv Bridge” ечимлари мисолида банклар ўртасида хавфли операциялар тўғрисида ҳимояланган ахборот алмашиш, рақамли аудит ва автоматлаштирилган хавф таҳлили, Япония тажрибасида корпоратив маданият, ходимлар ротацияси ва совға-меҳмондўстликка нисбатан қатъий чекловлар, Грузия миллий банки амалиётида коррупцияга қарши чораларни умуммиллий дастур ва банк назорати билан уйғунлаштириш механизмлари ўрганилган.

АҚШда юқори жарималар ва корпоратив келишувлар комплаенс дастурини реал ишлатишга мажбур қилиши, Сингапурда сунъий интеллект асосида молиявий мониторинг ва Кореянинг KOFIU модели давлат, банк ва хусусий сектор ўртасида тезкор ахборот алмашишни таъминлаши қайд этилган. Грузияда мижозларнинг банк хизматларини мустақил баҳолаш амалиёти жамоатчилик назоратини кучайтириш воситаси сифатида ўрганилган.

Ўзбекистон шароитида биометрик идентификациянинг кўп босқичли тизими, сунъий интеллект ёрдамида ғайриоддий операциялар ва ходим хулқ-атворидаги аномалияларни аниқлаш, шунингдек 3–6 та давлат банки, Марказий банк ва ваколатли орган ахборот тизимларини “Salv Bridge” тамойилида пилот тарзда интеграция қилиш таклиф этилган. Пилот доирасида рақамли аудит, автоматик хавфсизлик баҳоси ва йиллик самарадорлик ҳисоботи модулларини синовдан ўтказиш назарда тутилган.

Қиёсий таҳлил натижасида хорижий моделларни тўлиқ кўчириш эмас, балки миллий банк тизимининг ҳуқуқий мақоми, давлат иштирокининг улуши, рақамлаштириш даражаси ва назорат инфратузилмасига мослаштириш

лозимлиги асосланган. Хусусан, комплаенс-офицерларга ягона малака талабларини белгилаш, раҳбарлар учун мажбурий менежерлик ва ҳалоллик курсларини жорий этиш, банк ходимларининг коррупцияга мойиллигини баҳолайдиган электрон платформа, автоматлаштирилган аудит ва хавфли операциялар бўйича идоралараро ахборот алмашиш механизмларини ишлаб чиқиш таклиф этилган.

Иккинчи боб якунида халқаро стандартлар банк комплаенс тизимининг минимал институционал асосини белгилаши, хорижий амалиёт эса мазкур талабларни самарали бошқарув, рақамли назорат ва корпоратив маданият билан таъминлаш усулларини кўрсатиши ҳақида хулосага келинган.

Диссертациянинг **“Банк соҳасида коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизимини такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон банк тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган институтлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиёт тизимлаштирилган. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Марказий банк тўғрисида”ги қонунлар, Президент ҳужжатлари ва идоравий тартиблар ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниб, улардаги умумий нормаларни банк операцияларининг ўзига хос хусусиятлари билан уйғунлаштириш зарурати кўрсатилган.

2025 йил март–август ойларида 14 та ҳудуднинг 97 та туман ва шаҳрида ўтказилган текшириш ва таҳлил материаллари ҳамда 70 га яқин ички ва идоравий ҳужжат таҳлил қилиниб, қонунчилик талаблари билан филиаллар амалиёти ўртасидаги тафовутлар аниқланган.

Марказий банк билан ҳамкорликда банк ходимлари ва аҳоли ўртасида ўтказилган аноним сўровда 6 437 нафар респондент иштирок этган. Натижаларга кўра, коррупция хавфи кредит маҳсулотларида – 49,4 фоиз, лизинг, факторинг, лойиҳаларни молиялаштириш ва конверсия операцияларида – 42,7 фоиз даражасида баҳоланган. Бошқа банк хизматларида эса маълумотлар махфийлиги ва ходимларнинг дискрецион ваколатлари билан боғлиқ хавфлар қайд этилган.

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 16,9 фоизи банк ходимлари устидан назоратни етарли эмас деб баҳолаган, 6,2 фоизи хизматлар рақамлаштирилишидан қониқмаган, 16,2 фоизи эса ортиқча бюрократик тўсиқларга дуч келган. Бу ҳолат инсон омили ва дискрецион қарорларни қисқартириш, хизмат жараёнлари мониторингини кучайтириш заруратини кўрсатади.

Норматив-ҳуқуқий база SWOT таҳлил асосида баҳоланиб, аниқланган муаммолар уч гуруҳга ажратилган: илмий-назарий ва амалий омиллар, қонунчиликдаги бўшлиқ ва коллизиялар ҳамда ички назорат бўлинмалари фаолиятига оид ташкилий муаммолар.

Таҳлил натижасида комплаенс бўлинмаларининг ҳисобдорлиги ва мустақиллиги ягона тартибда белгиланмагани, ҳисобот ва KPI мезонлари мавжуд эмаслиги, текширув натижаларининг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда банк

сирига оид ахборотни коррупция ҳолатлари бўйича тақдим этиш тартиби етарлича аниқ эмаслиги аниқланган.

Асосий муаммолар сифатида банк ходимларининг тадбиркорлик субъектлари билан алоқадорлиги, имтиёзли кредитлар бўйича масъулиятнинг тарқоқлиги, гаров ва кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишни текширишда инсон омилининг юқорилиги, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги ҳамда филиаллар кесимида хавфларни марказлашган мониторинг қилиш имконияти чеклангани қайд этилган.

Интервью, давра суҳбатлари ва амалий материаллар таҳлили асосида 20 дан ортиқ муаммо аниқланган. Жумладан, филиал комплаенс ходимининг маҳаллий раҳбариятга боғлиқлиги, салбий хулосаларнинг инобатга олинмаслиги, ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиётининг заифлиги, комплаенс функцияларининг бошқа вазифалар билан аралашиши ва профилактик тадбирлар самарадорлигининг баҳоланмаслиги қайд этилган.

Уларни бартараф этиш мақсадида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда банк ташкил этишга рухсат беришда коррупцияга қарши сиёсат ва ички назорат бўлинмаси тўғрисидаги низомни талаб қилиш, кузатув кенгашининг комплаенс ҳисоботларини кўриб чиқиш ваколатини белгилаш, манфаатлар тўқнашуви, банк сири, номзодларни текшириш ва банк фаолиятига ноқонуний аралашишга оид нормаларни аниқлаштириш таклиф этилган.

Шунингдек, коррупциявий хабарларни ягона электрон тизимда рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш, “e-anticor.uz” платформасида махсус модул яратиш, банк хизматларини “бир тугма” тамойилида баҳолаш, имтиёзли кредитлардан мақсадли фойдаланишни геолокация ва фото маълумотлар орқали тасдиқловчи мобил иловани жорий этиш ҳамда бенефициарлар ва юқори хавфли юрисдикциялар ҳақидаги маълумотларни очиқ шаклда юритиш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижалари асосида коррупцияга қарши ички назорат қоидалари, банк ходимларининг корпоратив ахлоқ стандартлари, 2026–2027 йилларга мўлжалланган давлат дастури, ички назорат ходимларини KPI асосида баҳолаш низоми, чора-тадбирлар режаси ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Учинчи бобда профилактика, аниқлаш, жавоб чоралари ва мониторингни ягона циклга бирлаштириш, комплаенс хизматини эса ҳуқуқбузарликларни текшириш билан чекланмайдиган, рискларни таҳлил қилиш, ходим ва контрагентларни текшириш, таълим ва коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳамда раҳбариятга мустақил ахборот тақдим этувчи стратегик тузилма сифатида шакллантириш зарурати асосланган.

Умуман, диссертацияда назарий ёндашувлар, халқаро стандартлар, хорижий тажриба, миллий қонунчилик ва банк амалиёти уйғун таҳлил қилиниб, банк соҳасида мустақил, хавфга асосланган, рақамлаштирилган ва натижадор коррупцияга қарши комплаенс-назорат моделини шакллантиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий ечимлар таклиф этилган.

ХУЛОСА

“Банк соҳасида коррупцияни олдини олишда комплаенс-назорат хизматини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик хулоса, таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

I. Илмий-назарий хулосалар ва таклифлар:

1. Банк соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва коррупциявий хавфлар банк операцияларининг хусусиятлари, назорат функциялари ҳамда мижозлар билан муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб таснифланди. Шу асосда қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

“Банк соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” – банк ходими, банк бошқарув органи аъзоси, мижоз ёки улар билан алоқадор шахс томонидан банк хизматларини кўрсатиш ёки молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, манфаатлар тўқнашувини яшириш, моддий ёки номоддий наф олиш ёхуд бундай нафни тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ва қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

“Коррупциявий хавф-хатар” – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида фойдаланиши натижасида фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига молиявий, ҳуқуқий, операцион ёки репутацион зарар етказиши мумкин бўлган коррупциявий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилиш эҳтимоли.

“Коррупцияга қарши ички назорат тизими” – банкнинг ўз мақсадларига эришиши, активларини ҳимоя қилиши, қонунчилик талабларига риоя этилишини ва ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаши жараёнида коррупциявий хавфларни аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва камайтиришга қаратилган ички тартиб-таомиллар, қоидалар, назорат чоралари, жараёнлар ва амалий механизмлар мажмуи.

